

МИМИК МОДУСДА ЭМОЦИЯНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Йигиталиева Зилола Муратовна
Ўзбекистон, Фарғона

Семиотик назарияга кўра “белгиларнинг энг муҳим хусусияти, бош вазифаси кишилар ўртасида ахборотни бериш ва уни қабул қилиб олишда алоқа воситаси бўлиб хизмат қилишидир” Тилнинг сўз, сўз бирикмалари, гап, матн каби синтактик бирликлари ёрдамида алоқа-аралашув жараёни амалга ошади. Ушбу белгилар ичида сўз ўзининг семантик-функционал структураси билан ажралиб туради. Сўзда объектив оламда мавжуд бўлган нарса ва предметларнинг моҳияти инсон томонидан идрок қилинганлиги ва таффакур синтезидан ўтказлиганинги намоён бўлади. Аудиал ёки визуал органлар орқали қабул қилинган сўз адресат онгига тасаввур призмасидан ўтказилади ва ушбу сўзга нисбатан сўзловчининг онгига ассоциация уйғонади. Шунингдек, бир пайтни ўзида тингловчининг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда унинг онгига муносабат шаклланади. Шаклланган муносабат, энг аввало, унинг юз ифодасида акс этади ва кейинги босқич сифатида у вербал нутққа кўчади. Демак, инсон юзи, яъни мимика, паралингвистик восита сифатида вербал бирликлардан-да аввал мулоқот иштирокчиларининг нутқий предметга, сухбатдошга ва коммуникатив вазиятга нисбатан муносабатини, модусни ифодалайди.

Психолингвистларнинг таъкидлашича, “инсон юзини таниш, фарқлаш идрок қилиш, эслаш, фикрлаш ва диққатни қаратиш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ... у мураккаб идрок килинадиган объектлар турига киради” [2, 19]. Яқинларнинг юзига қараб, уларни бир-биридан фарқлаш, юз ифодасидан меҳр, кулгу, норозилик ва ғазаб каби эмоционал ҳолатларни англашни инсон гўдаклик давридан бошлаб ўрганади. Кейинчалик ҳаётий тажриба юзнинг ранги, қўз, қош, лаб ҳаракатлари ва уларнинг ўзгариши билан боғлиқ билимларини бойитибгина қолмай, бошқалар юзига қараб уларнинг ўй-хаёллари, маънавий ва ақлий хусусиятлари, жисмоний гўзаллиги ҳамда уларнинг соғлиғига баҳо бериш каби қобилиятни шаклланишига турткি бўлади. Демак, инсон юзи у ҳақидаги ахборотни ўзида акс эттирувчи бирламчи восита саналади. Илмий адабиётларда юз органлари, уларнинг ҳаракати, юз ранги биргина мимика атамаси умумлаштирилади.

Мимика овоз ва жестлар каби паралингвистик воситалар таркибига кириб, нутқнинг ранг-баранглигини таъминлайди ваш у билан бирга сўзловчининг нутқ предметига нисбатан эмотив-экспрессив муносабатини, модусини ифодалайди. Мимика нутқий мулоқотнинг жонли ифода воситаси саналади. Мимика ва унинг турлари орқали ифодланган модуснинг луғавий бирликлар ифодалаётган модусга нисбатан таъсир даражаси кучлироқ деб эътироф этиш мумкин ва бундай модусларни мимики модуслар деб номлаш мақсадга мувоғиқ ҳисобланади. Мимики модуслар ифода воситаси орқали ҳам фарқланади ва уларни алоҳида турларга ажратиш мумкин. Жумладан, қош, қўз, юз, лаб ҳаракатлари ва юздаги ранг ўзгаришлари мимики модуснинг турларини ажратишга асос бўла олади. Илмий адабиётларда [1] қўз ва қош ҳаракатлари новербал сигнал вазифасини бажариши таъкидланар экан, улар мулоқот жараёнида иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини ифодалаши айтилади. Мулоқот иштирокчиларининг ҳис қилган эмоциялари эса ўз ўрнида сўзловчи модусининг турини белгилайди.

Бахри қўзи жавдираб ҳаммага бир-бир қаради ва бирдан қизариб, қўзига ёш келди. Нима гуноҳ қилдим! ... (А.Қахҳор. Хотинлар)

Элчин унинг қўзидаги совук нурни қўриб, нафаси қайтди. (Т.Малик. Шайтанат)

Одатда инсоннинг қўзи унинг ақлий қобилияти ва коммуникатив мақсадини яққол ифодаловчи орган ҳисобланади. Юқоридаги мисоллардан кўринадики, нигоҳ ва қўз ҳаракати орқали кишиларнинг эмоционал ҳолатини ва коммуникатив вазиятга нисбатан берилган аксиологик баҳони

ҳам ифодаланиши кузатилади. Хусусан, биринчи мисолда муаллиф асар қаҳрамонинг нокулай вазиятда қолганини (*кўзи жавдираб*), атрофдагилардан уялаётганини (*ҳаммага бир-бир қаради*) ҳамда унинг бу эмоционал ҳолати кульминацион нуқтага етганини (*кўзига ёш келди*) кўз ҳолати ва унинг ҳаракатлари орқали тасвирламоқда. Нигоҳга нисбатан *совуқ, ўтли, қайноқ* каби сўзларни қўлланилиши эса коммуникатив вазиятга аксиологик баҳо беришга хизмат қилишини юкоридаги иккинчи мисолдан кўриш мумкин.

Бундай эмоционал ва аксиологик бўёқни лаб ва қош ҳаракатларида ҳам кузатиш мумкин. *Ўзини мажбурлаб қулиб, табиббошига тушунтирган бўлди.*(Т.Малик. Шайтанат); *Бек ака мамнун илжайиб, унинг қўлтигидағи шишаға қаради.* (С.Аҳмад. Катайса)

Лаб ҳаракати орқали ифодаланадиган муносабат ва унинг турлари тилда уни ифодаловчи кўплаб лексик бирликлар мавжуд эканлигига кўринади. Бунда *кулмоқ, жилмаймоқ, илжаймоқ, кулумсирамоқ, қаҳ-қаҳ отиб кулмоқ* каби феъллар қўлланилади. *Кулмоқ* феъли ижобий маънога эга бўлиб, муаллиф уни *мажбурлаб* сўзи билан ёнма-ён қўллаш орқали қаҳрамоннинг нокулай вазиятдан чиқиши ва мавжуд коммуникатив вазиятни ижобий тарафга ўзгартириш учун қилган ҳаракатини асосламоқда. Иккинчи мисолда эса салбий бўёққа эга бўлган *илжаймоқ* феъли *мамнун* сўзи билан биргаликда қўлланилганида ушбу салбий оттенка янада кучлироқ намоён бўлмоқда. Ҳар иккала мисолда қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини ифодаловчи мимик модус тасвирланиб, иккинчи мисол салбий баҳо билан белгиланмоқда. Шундай қилиб, кўз, қош ва лаб ҳаракатлари орқали сўзловчининг юзида мамнуният, самимилик ва бошқа ижобий ҳисларнинг акс этиши мавжуд коммуникатив вазиятдан рози эканлигини, аччиқланиш, жирканиш, ғазаб кабилар эса норози эканлигини англатади. Бу эса ўз ўрнида нутқдаги тасдиқ, инкор, розилик ва норозилик модусларига ишора қиласи ва уни янада бўрттириб қўрсатишга хизмат қиласи.

Коммуникация пайти инсон бошқара олмайдиган, унга бўй сунмайдиган ҳолатлар борки, улар инсоннинг хис-туйғуларини, унинг руҳий ҳолатини бевосита фош этади. Бу эса инсон онгиннинг вазиятга нисбатан автоматик тарзда субъектив муносабати сифатида шаклланади. Оғзаки нутқда бундай муносабат инсоннинг хатти-ҳаракати, имо-ишораси ва юз ифодаси орқали намоён бўлса, ёзма нутқда маълум лингвистик бирликлар ёрдамида ифода этилади. “Реал шароитда паралингвистик воситалар тингловчига комбинацион таъсир қўрсатади. Лексик бирликлар бундай таъсирни етарлича ифодалай олмайди” [3, 119].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, новербал воситалар нутқни ихчамлаштиради ва худди вербал воситалар каби нутқий фаолият жараёнида ранг-баранг нутқий актларни ифодалаш учун хизмат қиласи. Ҳатто вербал ифода мазмунини ўзгартиради. Улар нутқни тартибга соглани ҳолда вербал воситаларни тежайди, вербал ифодаларнинг ўрнини тўлдириб, нутқ субъективнинг эмоцияларини ифодалар экан, вербал ахборотнинг семантик жиҳатини янада бўрттириб қўрсатиш учун хизмат қиласи. Энг муҳими новербал воситалар сўзлашувчиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини ифодалаш учун хизмат қиласи, шу асосда уларни паралингвистик модус деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Дронова А.Л. Метаязыковые механизмы описания взглядов и мимических движений (глаза и брови) как не твербальных сигналов. Филологические науки. Вопросы теории и практики. Грамота, 2014. № 2 (32): в 2-х ч. Ч. I. С. 84-88.
2. Гранская Ю.В. Распознавание эмоций по выражению лица. Автореф. дис.... канд.филол.наук. Санкт-Петербург, 1998.
3. Логачёва М. И., Синяева Т. Г. Паралингвистические средства в условиях устной коммуникации. Альманах современной науки и образования. Тамбов: Грамота, 2012. № 2 (9): в 3-х ч. Ч. III.
4. Малик, Тоҳир. Шайтанат. Роман. (1-китоб: Қасос) Масъул муҳаррир И.Солиҳова – Тошкент: «O`zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2018.

-
- 5. Расулов Р. Умумий тилшүүнослик. (Тилшүүносликнинг назарий масалалари). 2-қисм. Т.: 2006.
 - 6. Қаххор, Абдулла. Танланган асарлар: Ҳикоялар, хотиралар, адабий-танқидий маколалар/Абдулла Қаххор; Түплөвчи ва нашрға тайёрловчы Н.Каримов. – Тошкент: Faafur Fyulom nomidagi nashriyet-matbaa ijodiy uyi, 2007.